

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА № 21

Самарқанд ш
(шартнома тузилган жой)

26 Август 2022 й.
(шартнома тузилган сана)

“KARETDIZAYN” ХК кейинги ўринларда хизмат курсатувчи деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи А.Халилов номидан, бир томондан ва Самарқанд санъат коллежи, кейинги ўринларда буюртмачи деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Х.Хамдамов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” хизматларни қабул қилиш ва тўлаш, “Хизмат курсатувчи” эса Буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади:

№	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Ед.изм.	Цена	Суммаси
1.	Баннерлар ясаб ўрнатиш хизмати	комп	1	29 500 000	29 500 000
	Жами:				29 500 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 29 500 000 (Йигирма туккиз миллион беш юз минг) сўми ташкил қилади.

ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани тузган кундан бошлаб 3 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ шартнома умумий суммасини 30 % тўлайди.

2.2. “Буюртмачи” томонидан якуний тўлов Хизмат кўрсатиш якунлангандан кейин “Хизмат курсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишларни далолатномасини тақдим этгандан сўнг қолган 70 % тўловни амалга оширади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва шартнома талаблари ва шартларига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартномани шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама тартибда ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида ўрнатилган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан аввал кўрсатилиниши мумкин.

3.5. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан кўрсатилган хизматлар миқдори ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4. Буюртмачи:

4.1. Кўрсатилган хизматларни танлаб олмаслик, шунингдек хизмат курсатувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни хизматлари кўрсатганда, хизматлари қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатда қабул қилиб олинмаган) хизматлар қийматининг 5 фоизи миқдориде жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат курсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатда қабул қилиб олинмаган) хизматлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида хизматлар ҳақини тўлашдан бош торганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 15 фоизи миқдориде жарима тўлайди.

Бажарилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориде пеня тўлайди.

4.3. Хизмат курсатувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган хизматларни кўрсатиш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар кўрсатилган хизматлар с

тандартлар, сифати, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, хизмат курсатувчидан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдориде жарима ундириб олишга, хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатганлиги учун жарима хизмат курсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Хизматларни кўрсатиш муддати ўтказиб юборилган ёки кўрсатилмаган ҳолларда Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ҳақ бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаст бўлиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тегшли тарзда бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддатини ўтказиб юборилиши ёки кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, муваққат равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судда кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу Шартнома мажбуриятларининг ижроси ёки қисман ижроси енгиб бўлмайдиган куч (ер кимирлаши, ёнғин, сув тошқини, портлаш, бинонинг чуқиши, эпидиологик вазиятлар ва бошқа табиий офатлар, уруш ва уруш ҳаракатлари) оқибатида томонлар тарафи таъминламаса, улар шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича жавобгарликдан озод этилади. Бундан ташқари, электроэнергиянинг қисқа муддатда учиб ёниши оқибатида ахборот коммуникацияларига зарар етганда, совуқ сув ва истиш тизимининг ишдан чиқиши натижасида Буюртмачига зарар етган ҳолатда хизмат кўрсатувчи жавобгарликни уз зиммасига олмайди.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзолангандан кейин кучга киради ва 2022 йил 18 августдан 2022 й. "31" декабргача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар туганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугати томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Буюртмачи	
Ташкилот номи	"KARETDIZAYN" ХК
Манзил:	Самарқанд ш. Зиёкорлар куч
Телефон:	+99894534-61-00
СТИР коди:	301585861
ОКОНХ:	93615
МФО	00264
х/р	20208000704845176001
Банк номи:	ДФЕ Асака банк
Рахбар (директор):	 А.Халимов



Хизмат кўрсатувчи	
Ташкилот номи	Самарқанд иқтисослаштирилган санъат мактаби
Манзил:	Самарқанд ш. М. Улуғбек к. 2 А-уй
ш/р	100021860184017092100056001
Телефон:	Факс: 210-00-95
СТИР коди:	201213654
ОКОНХ:	92120
Фазначилик бошқармаси номи:	Самарқанд вилояти
бўйича Фазначилик бошқармаси	
Фазна х/в	23402000300100001010
Банк номи:	МАрказий банк ХККМ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси
Самарқанд вилояти бошқармаси	МФО: 00014
Фазначилик бошқармаси	СТИРи 201122919
Рахбар (директор):	 Х.Хамдамов



Ҳуқуқшунос _____
Лицензия (диплом) № берилган санаси:
«__» _____ 20__ й
Ҳуқуқшунос _____
Лицензия (диплом) № берилган санаси:
«__» _____ 20__ й





Самарқанд вилоят Маданият бошқармасига қарашли Самарқанд
ихтисослаштирилган санъат мактаби биносини Баннерлар ясаб ўрнатиш
бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш
бўйича комиссия йиғилиши

БАЁНИ № 5

Самарқанд шаҳар

« 26 » Август 2022 й.

Раислик қилувчи

X.Хамдамов

Комиссия котиби

Ш.Тўймаева

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Х.Жўрабоев

Комиссия аъзоси, Ўқув ишлар бўйича директор
ўринбосари

Н.Абдурахмонов

Комиссия аъзоси, Касбий таълим бўйича директор
ўринбосари

О.Умаров

Комиссия аъзоси, касаба уюшмаси раиси

А.Жабборов

Комиссия аъзоси, Хўжалик ишлар бўйича директор
ўринбосари

КУН ТАРТИБИ:

Самарқанд вилоят Маданият бошқармасига қарашли Самарқанд
ихтисослаштирилган санъат мактаби биносини Баннерлар ясаб ўрнатиш

(X.Хамдамов, X.Жўрабоев, Н.Абдурахмонов, О.Умаров, А.Жабборов,)

Самарқанд иxtисослаштирилган санъат мактаби томонидан 2022 йил
17 майда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон
порталига Самарқанд иxtисослаштирилган санъат мактаби биносини жорий
таъмирлаш буйича № 22110012136175-лот рақами билан эълон
жойлаштирилди. Мазкур лот буйича 2022 йил 24 августдаги энг яхши
таклифларни танлаш савдосини ўтказиш буйича давлат харидлари
комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Самарқанд вилоят
Маданият бошқармасига қарашли Самарқанд иxtисослаштирилган санъат
мактаби биносини жорий таъмирлаш буйича баённомасига асосан эълон

якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “KARETDIZAYN” ХК корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби бош бухгалтери Ш.Тошназаровга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 24 августдаги электрон баённомасига асосан ғолиб “KARETDIZAYN” ХК корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари

Х.Жўрабоев



Комиссия аъзоси, Ўқув ишлар бўйича директ ўринбосари

Н.Абдурахмонов



Комиссия аъзоси, Касбий таълим бўйича директ ўринбосари

О.Умаров



Комиссия аъзоси, касаба уюшмаси раиси

А.Жабборов



Комиссия аъзоси, Хўжалик ишлар бўйича директ ўринбосари